



# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

2012 йил  
19 сентябрь  
ЧОРШАНБА  
№ 75  
(12.503)

1928 йил 11 декабрда асос солинган

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

www.th.uz

## ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ КОРЕЯ РЕСПУБЛИКАСИГА ТАШРИФИГА ДОИР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Корей Республикаси Президенти Ли Мён Бакнинг таклифига биноан 2012 йил 19-21 сентябрь кунлари давлат таширифи билан Корей Республикасида бўлади.

Ташириф чоғида икки томонлама ҳамкорликнинг бугунги ҳолати ва уни кенгайтириш истиқболларини, минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик долзарб масалаларни муҳокама қилиш режалаштирилмоқда.

Учрашув ва музокаралар якунлари бўйича Қўшма баёнот, Ўзбекистон ва Жанубий Корей ўртасидаги муносабатларнинг устувор соҳаларидаги мулоқотни чуқурлаштиришга йўналтирилган ҳужжатлар имзоланади.

## ВИЛОЯТ КЕНГАШИ СЕССИЯСИ

### ВАЗИФАЛАР АТРОФЛИЧА ТАҲЛИЛ ҚИЛИНДИ

Халқ депутатлари вилоят Кенгашининг XXII сессияси бўлиб ўтди. Унинг ишида вилоят ҳокимининг ўринбосарлари, ҳокимлик гуруҳ ва котибиятлари раҳбарлари, сиёсий партиялар вилоят ташкилотлари етакчилари, Халқ депутатлари шаҳар ва туман Кенгашлари сановат, транспорт, қурилиш, коммунал хўжалиги, алоқа ва аҳолига хизмат кўрсатиш ҳамда маҳаллий бюджетни шакллантириш ва ижро этиш, иқтисодий ислохотни амалга ошириш ва тадбиркорликни ривожлантириш масалалари бўйича доимий комиссиялари аъзолари иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "2012 йил инвестиция дастури тўғрисида"ги ва "Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси бюджетини ҳамда 2012 йил манзилли дастурини тасдиқлаш тўғрисида"ги қарорлари асосан вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари Карим Тиловбоев билан вилоят "Ягона буюртмачи" инжиниринг компанияси раҳбари Асқар Назаровнинг вилоятда амалга оширилаётган ишлар тўғрисидаги ахборотлари тингланди. Шунингдек, сессияда Халқ депутатлари вилоятнинг ҳокимияти ва кенгаши доимий комиссияларининг ахборотлари ҳам эшитилди.

Таъкидландики, давлатимиз раҳбари қарорлари асосида белгиланган дастурий вазифалар илҳом баҳарида амалга оширилмоқда. Вилоятда жами 86 та объект қуриш, реконструкция қилиш ҳамда капитал таъмирлаш кўзда тутилган. Бу ишлар 58,6 миллиард сумдан кўпроқ сармоа сарфлаш белгиланган. Пудратчи ташкилотлар 11 сентябрь ҳолатига

касб-хунар коллежларида белгиланган ишларнинг 80 фоизини бажарди. Бу ишлар Бекобод, Оҳангарон, Зангиота, Қўрай ва Чиноз туманларида муваффақиятли якунлангани кўрсатиб ўтилди.

Сессияда умумтаълим мактабларидаги қурилиш ва капитал таъмирлаш ишларининг биринчи ўринбосари Карим Тиловбоев билан вилоят таҳлил қилинди. Болалар спортини ривожлантириш ва мажмуаларини таъмирлаш режалари 11 сентябрь ҳолатига 99 фоиз бажарилгани таъкидланди.

Шу билан бирга сессияда бир қатор объектларда қурилиш-таъмирлаш ишлари кенчиқилгани, ишларни охирига етказишда сусткашликка йўл қўйилгани ҳам кўрсатиб ўтилди. Чунки, "Евро эксклюзив қурилиш-таъмирлаш", "Агростройтранс", "Бука бунёдкор келажиги" масъулияти чекланган жамиятлари белгиланган ишлар ижроси кенчиқилишига йўл қўйилган.

Сессия муҳокама этилган масала юзасида тегишли қарор қабул қилди.

## ПАХТА - 2012

# УЛОҚ – ОТНИ ВАҚТИДА ҚАМЧИЛАГАННИКИ



Ҳар йилгидек, бу мавсум ҳам йигим-теримга аввалдан пухта тайёргарлик кўрилиб, аниқ мақсад ва режа асосида киришилгани боис кунлик суръат тобора ошапти. Ташкилотчилик яхши йўлга қўйилган, теримчилар учун қулай шарт-шароитлар яратилган барча туманлар кунлик суръатни уч фоиздан оширишди.

Чинозлик фермерларнинг гайрати алоҳида эътирофга лойиқ. Улар кунига қабул пунктлариغا йиллик режанинг 4 фоиздан ошириш пахта топшириб, кунлик суръатда энг юқори натижага эришмоқдалар. Шунингдек, ҳар йилги аънамага содиқ қолиб, давлат эҳтиёж-

лари учун хом ашё топширишда етакчилик қилмоқдалар.

Терим оммавий тус олиши билан вилоят пахта штабига жойлардан хушхабарлар кела бошлади. Жумладан, Ўрта Чирчиқ туманидаги "Дўстлик" фермер хўжалиги шартнома мажбуриятини вилоятда биринчилардан бўлиб бажарди. Хўжалик аъзолари беш кунда қабул пунктларига 133 тонна биринчи нав пахта топширишди.

Биринчи терим тугамаёқ шартномани бажаришга эришди, – дейди фермер Нуриддин Каримов. – Умуман, бу йил пахтаимиз обдон бўлиб берди. Пировард хосилдорлик қирқ центнер-



Бу йил вилоят пахтазорларида етиштирилган ҳосил қутилганидан ҳам мўл бўлишдан ташқари нисбатан эрта пишиб етилди. Ҳозир кун санайдиган экиннинг ўзига хос агротехникаси яхши ўрганган аксарият фермерлар нафақат ҳосилдан, эндиликда вақтдан ҳам ютишини ҳадисини олишяпти. Шундай тажрибакорларнинг сай-ҳаракатлари билан бугун вилоят далаларида пахта терими оммавий бошланиб кетди.



га етади, албатта. Шунингдек, Бўка туманидаги "Хикоят" фермер хўжалиги ҳам шартномани пешқадамлар қаторида қисқа

муддатда бажарди. Қабул пунктларига 132 тонна хом ашё етказиб берилди.

– Хали биринчи теримга тушилмаган майдонларимиз ҳам бор, – дейди фермер Ақром Шарипов. – Умумий хирмонимиз 170 тоннадан ошади.

85 гектар майдонда мўл ҳосил етиштирган "Ғуломов Мирқамол" фермер хўжалигининг 68 кишилик жамоаси ҳам Чиноз туманида биринчилардан бўлиб, давлат эҳтиёжи учун пахта сотиш шартномасини ўн иш кунда бажарди. Қабул пунктларига топширилган 265 тонна ҳосилнинг 128 тоннаси уруғлик пахта.

– 400 дан зиёд маҳаллий уюлмаган аҳоли теримда катта ёрдам кўрсатди, – дейди фермер Мирқамол Ғуломов. – Уларга терган пахта-ларни ҳақини ҳар кун тўлаб боришдан ташқари, вақтида бепул иссиқ овқат тайёрлаб берди. Биринчи терим тугамаёқ ҳосилдорлик 31 центнердан ошди. Ниятимиз хосилдорликни 38 центнердан ошириб, пировард хирмонни 325 тоннага етказиш.

Вилоят пахта штабидан олинган хабарга кўра, кундаги илгор фермер хўжаликлари 17 сентябрь ҳолатига давлат эҳтиёжлари учун пахта сотиш шартномасини қисқа муддатда бажардилар.

- БЕКОВД ТУМАНИ**  
"Нодира", "Ғайрат Ғайрат агро", "Комилжон".
- БЎКА ТУМАНИ**  
"Отаҳўжа ўғли Юсуф", "Хикоят", "Нодир Темп".
- ПИСКЕНТ ТУМАНИ**  
"Шукруллаев Қозок", "Қаршибоев Эркин", "Омад Нуров", "Аҳмедов Абдуғафур".
- ЎРТА ЧИРЧИК ТУМАНИ**  
"Дўстлик".
- ЧИНОЗ ТУМАНИ**  
"Дур гавхар Дурдонаси", "Умид", "Султон Баёз", "Меридиан Фокус", "Асилбек", "Боқохон ота".

СУРАТЛАРДА: (чапдан) «Дўстлик» фермер хўжалиги раҳбари Нуриддин Каримов ва (ўнгда) «Хикоят» фермер хўжалиги бошлиғи Ақром Шарипов; (пастанда) «Ғуломов Мирқамол» фермер хўжалиги раҳбари Мирқамол Ғуломов.

Собир ЗУҒАРОВ олган суратлар.

## ВИЛОЯТ ҲАЁТИ

ОҚҚЎРҒОН ТУМАНИ

### СОВРИН

### МУАЛЛИМЛАРГА

### НАСИБ ЭТДИ

Марказий ўйингоҳда туман халқ таълими ва тиббиёт бўлимлари ходимлари ўртасида ҳоким соврини учун мини-футбол мусобақаси ўтказилди.

Ўзбек футболнинг 100 йиллиги муносабати билан ташкиллаштирилган учрашувда 15 га яқин жамоа голиблик учун тўп судди.

Ақойиб голлар, хавфли вазишларга бой бўлган учрашувларда голиблик халқ таълими ходимлари жамоасига nasib этди.

Ғолибларга туман футбол федерацияси, фан ва таълим ходимлари қасаба уюшмаси туман кенгаши ва бошқа ҳоким ташкилотларнинг эсдалик совғалари топширилди.

Бахтиёр ШАВКАТОВ.

### ЮҚОРИ ЧИРЧИҚ ТУМАНИ

### ЭНГ АЗИЗ НЕЪМАТ

40-умумтаълим мактабига "Тақдиримсан, бахтимсан, эркин ва обод Ватан!" маркузида давра суҳбати ташкил этилди.

Унда умумтаълим мактаблари раҳбарлари, маҳаллалар оқсоқоллари ва фаоллар, шунингдек ўқувчилар иштирок этди.

ЎзДП туман кенгаши ташаббуси билан ўтган тадбирда ёшларни Ватанга муҳаббат, қадриятларимизга ҳурмат руҳида тарбиялаш, мустиқликлик неъматларини эъозлашга ўргатиш хусусида сўз борди.

Индирра ҚЎЗИЕВА.

## МАЪНАВИЯТ

# ГЛОБАЛЛАШУВ ВА МАЪНАВИЙ ТАҲДИДЛАР

Сиёсий тафаккур, ижтимоий фалсафа, уруш ва тинчлик ҳақидаги ғоялар ривожлангани сари инсоният – халқлар, миллатлар бир-биридан қочиб эмас, бир-бирига интилиб ашаш эҳтиёж эканлигини чуқур тушуниб бормоқда. Шу англаш жараёнининг ўзи умумсайёравий маданият юксалиб, маданий тушуналари кенгайиб бораётганидан далолат беради. Уруш маданияти сизилгидан тинчлик маданиятига ўтиш зарурат эканлиги тобора кўпроқ намоён бўлмоқда. Бу жараёнда жамият ҳаётида дахлдорлик туйғуси, яъни халқлар ва миллатларнинг маданиятлар орқали ўзаро яқинлашиши жараёнлари тобора фаоллашмоқда. Жараённинг ижобий томони шундаки, маданиятлар орқали яқинлашув, маданиятлар орқали интеграция халқлар ўртасида ўзаро бир-бирини тушуниш ортишига олиб келади.

Аслини олганда ҳар бир миллат ёки элат умумсайёравий маданиятга ўзига хос ҳиссасини қўшади. Шу билан бирга ҳар бир миллий маданият ўз тарихий илдизларига таяниб, унинг сарчашмаларидан баҳра олиб, умумтарихий тажрибалар билан озикланган ҳолда бойиб боради.

Ҳар қандай маданият ўз миллий хусусиятлари ва манбаларига, тарихий таж-

риба ва жараёнлар асосида шаклланган қиёфасига эга. Бироқ, ижтимоий-сиёсий, иқтисодий жараёнларнинг умумсайёравий моҳияти касб этаётгани сабабли гўё умуминсоний маданият дунёга келаятгандай туюлади. Аслида эса муайян таъсирлар остида миллий маданият ўз моҳиятини йўқотмоқда, "чатиштирилган", сунвийлаштирилган ҳолатдаги мажруҳ қиёфага кирмоқда. Бундай "бедаво"ликдан қутулишда эса фақат ва фақат миллий тафаккур, миллий онг, миллий руҳ алоҳида аҳамият касб этади.

Бир қарашда ўз миллий қадриятлари, аънаналари ва маданиятини зўр бериб ҳимоя қилиш кишига худди шовинизм, национализм ва ирқчилик каби салбий ҳолатдай туюлади. Иккинчи томондан эса умуминсоний маданият тушунишнинг тобора кенгайиб бораётгани миллатлар ва элатлар ўзига хослигининг йўқолишига олиб келмоқда.

Бугунги дунёни фақат ўзаро соғлом мулоқот, бир-бирини тўғри тушуниш маданияти асраши мумкин. Худди шу мулоқот – бир-бирини тинглаш ва тушуниш маданияти инсон ҳаётини уруш маданияти сизилгидан тинчлик маданиятига ўтказадиган ғоят мураккаб ва айнаи паёнда

бутун инсоният эҳтиёжига айланган ижтимоий ҳодиса. Ғоят кучли қурол-ароғлар, ҳарбий аслахлар билан зўравонлик қилиш, қолаверса, буюк давлатчилик шовинизми таҳдиди ҳозирги замон цивилизацияси нуктаи назаридан ибтидоий ҳодисага айланган.

Ҳозирги замон талаблари нуктаи назаридан ҳар қандай миллий маданият турли халқлар маданияти билан мулоқот қилишга қодир бўлмоғи лозим. Шу мулоқот жараёнида бир маданият иккинчи бир маданиятга ҳам ўз таъсири-ни ўтказсади, ҳам ўзи бойийди. Бошқача қилиб айтганда, ўз маданий қобиғидан чиқмаслик, ҳар қандай маданиятга қарши туриш оғирлик ва нотавонликдир. Бугунги цивилизация ютуқларидан орқада қолиш каби қолоқликдир. Бошқа бир маданиятга қўшилиб кетиш эса миллий таназулдан бошқа нарса эмас. Бу миллатнинг инқирози билан тенг бўлган фожиа. Шундай мураккаб, зиддиятли бир шароитда ўзаро таъсир ва эргаштиш туйғуси меъёр доирасида бўлмоғи лозим.

Маданиятлар орқали интеграция дунёни янгилашга, инсоният тафаккурини бойитишга, унинг маданий савиясини оширишга катта хизмат қиладиган улкан ижтимоий-тарихий

ҳодиса. Биз ҳақон цивилизациясидан ортада қолмаслигимиз керак. Ҳеч бўлмаганда у билан баробар юришимиз, унинг ютуқларидан фойдалана олишимиз зарур ва, ҳатто, ўз ютуқларимиз билан замоний цивилизация тажрибаларини бойитишга интилоғимиз лозим. Бироқ маданий миллий хусусиятларимизга, аънаналаримизга, турмуш тарзимизга зид бўлган маданиятни олиб кириш мумкин деган фикрга бормаслигимиз керак.

Маданиятнинг миллий ўзига хослиги маълум бир миллатнинг моҳияти, қиёфаси, унинг асрлар қаъридан етиб келган қадриятидир. Миллий маданият тушуниш орқали биз асрлар синовидан ўтган, ўтмиш тажрибаларини ўзлаштирган ва айнаи пайтда ҳозирги замон маданияти тажрибалари асосида ўзини бойитиб бораётган, унинг янгида-янги қирраларини кўрсатаётган маданият тушуна-миз. Бу бевосита миллий онг, миллий тафаккур тарзи билан боғлиқ бўлган кенг миқёсли воқеа. Айни шу ҳар бир миллат ва халқнинг миллий онглик даражаси ўша миллат ёки халқнинг цивилизациялашганлик даражасини кўрсатади.

(Давоми 2-бетда).

Тошкентда 17-18 октябрь кунлари жаҳон пахта ва тўқимачилик сановати форуми бўлиб ўтади. Унинг халқаро нуфузи йилдан-йилга ортиб бормоқда ва дунёнинг турли мамлакатларидаги кўплаб бизнес тузилмалар эътиборини ўзига жалб этмоқда.

## ЖАҲОН ПАХТА САНОВАТИ ФОРУМИ

Етакчи хорижий экспертларнинг таъкидлашича, халқаро ишбилармон жамоатчилигининг ушбу воқеага эътибори ортиб бораётгани бежиз эмас. Негаки, пахта бозорини янада ривожлантириш истиқболлари, пахта саноати ва унинг турдош тармоқларининг эртанги кунга айлан шундай форумлар натижаларига боғлиқдир.

Бунинг устига, ушбу йирик бизнес-тадбирнинг йилнинг энг қулай вақти, яъни навбатдаги пахта ҳосилнинг йилгим-терим даври авжига чиққан ва пахта бозорини олди-сотида савдолари фаоллашадиган пайтда ўтказилаётгани ҳам бежиз эмас. Бу тадбир пахта етиштирувчилар учун ҳам, уни қайта ишловчи корхоналар учун ҳам манфаатлидир.

Истиқлол йилларида Президентининг Ислам Каримов раҳномалигида мамлакатимиз пахта саноатида улкан ишловчи амалга оширилди. Бугун республика-мизда пахта халқаро талабларга мувофиқ етиштириш ва қайта ишлаш бўйича замонвий комплекс ташкил қилинди. Пахта ҳосилни етиштириш ҳажмининг барқарорлигини сақлаш ва жаҳон бозорини мамлакатимизда тайёрланаётган хом ашё рақобатбардорлигини ошириш учун тала сифатини янада яхшилаш унинг асосий вазифаларидан бири ҳисобланади.

Ушбу маънавий комплекс ташкил қилинди. Пахта ҳосилни етиштириш ҳажмининг барқарорлигини сақлаш ва жаҳон бозорини мамлакатимизда тайёрланаётган хом ашё рақобатбардорлигини ошириш учун тала сифатини янада яхшилаш унинг асосий вазифаларидан бири ҳисобланади. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозига қарамай, мамлакатимиз сўнгги йил-

ларда халқаро пахта бозорининг муҳим иштирокчиларидан бири сифатида ўз ўрнини янада мустақамлади. Ўзбекистон бугун дунёда пахта етиштириш бўйича олтинчи, уни экспорт қилиш бўйича учинчи ўринда туради.

Энг юксак стандартларга жавоб берадиган ўзбек пахта-сига бўлган талаб мутта-сил ошиб бораётди. Халқаро Ўзбекистон пахта ва тўқимачилик ярмаркасининг мамлакатимиздаги шериклари билан мавжуд амалий муносабатларини янада мустақамла-лаш ва янгилашни йўлга қўйишдан манфаатдор бўлган иштирокчилар сонини ҳам йил сайин кўпайиб бормоқда. Масалан, 2005 йилда бўлиб ўтган биринчи ярмаркада 30 мамлакатдан қарий 170 трейдер ва тўқимачилик компаниялари қатнашган бўлса, ўтган йили дунёнинг турли минтақаларидаги 38 давлатдан пахта ва тўқимачилик соҳасида фа-олият кўрсатаётган 330 компаниянинг 860 нафардан ортиқ вакили иштирок этди. Шуниси эътиборлики, пахта етказиб бериш география-си дунёнинг янги-янги минтақалари ҳисобидан тобора кенгайиб бормоқда. Жумладан, тўқимачилик сановати жадал ривожланаётган Жа-нубий шарқий ва Жанубий Осиё мамлакатларининг ҳам Ўзбекистон билан ҳамкор-ликка қизиқиши ортмоқда.

Ҳажон молиявий-иқтисодий инқирозига қарамай, мамлакатимиз сўнгги йил-

(Давоми 2-бетда).




ҚИШЛОҚ МУЛҚДОРЛАРИ

ЧЎПОН ТАЁГИ ЕРДА ҚОЛМАДИ

Паркент деганда, бир боши битта саватга аранг сифадиған, шинглининг шираси томинг оладиган олтинранг узумлар кўпчилигининг кўз олдиға келди. Аммо, бу тоғи туман серсут зоти сипирляриу уста чорвадорлари билан ҳам оғизға тушган.

Камолидан чорвадор деса, паркентликларнинг юзларига табассум югуради. Бу уста чорвадор Паркентда тармоқнинг энг билимдон сифатида танилган. Мана энди отанинг хайрли ишларини ўғли Алишер давом эттиряпти.



Алишер Жамолов ташкил этган "Жамол ота" бугун туманининг чорвачиликка ихтисослашган олди фермер ўхталликларидан. Қисқа вақтда қорамоллар 43 бошға етди. Шундан 12 боши соғин сипир. Уларнинг ҳар биридан кунига 10-12 литрдан сут соғиб олиниб, тумандаги қайта ишлаш корхоналарига шартнома асосида етказиб берапти.

Ун беш гектар экин майдонимиз ҳам бор, — дейди ҳам хисобчи Абдумалик Абдурахимов. — Бу йил

унинг ярмига бошоқли дон эдик, 45 центнердан ҳосил олдик. Шартномага мувофиқ давлат эҳтиёжи учун топширилганидан қолганини чорва озуқасига ишлатамиз. Уч гектар ердаги беданинг бир қисми соғин сипирларга кўйла берилиб, қишлоғва қурақ хашак ҳам гаиланади.

— Ҳўжаликни ташкил этганимизда, ниятимиз бурдоқчиликка ихтисослашмиш эди, — деди фермер. — Энди шу орзунни амалга ошириш фурсати етди. Иккита зотдор новвосга эга

бўлдик. Улардан зооветеринария қондалари асосида насл олиб, молларимиз зотини яхшилаб борамиз ва асосан гўшт етиштиришга ўтиш учун замин яратамиз. Пировадор мақсад — туманимиз аҳолисини гўшт маҳсулотлари билан таъминлашга ариғулиқ ҳисса қўлиши. СУРАТГА: (чапдан) бош хисобчи Абдумалик Абдурахимов ва фермер Алишер Жамолов.

Собир ЗУФАРОВ олган сурат.

ЖАҲОН ПАХТА САНОАТИ ФОРУМИ

Халқаро пахта ассоциацияси президенти Р. Батлернинг қайд этилишича, жаҳон пахта бозоридидаги талаб ва таклифининг кўп йиллик таҳлили Ўзбекистон ушбу бозорнинг энг йирик иштирокчиларидан бири эканидан далолат беради. Мамлакатимизнинг бу борадаги салоҳияти мунтазам ортиб бораётди. Изначл ишловотлар жараёнида амалга оширилаётган чора-тадбирлар ўзбек толаси истеъмолчиларининг кенг қўламли эҳтиёжини қондиришга қаратилган. Ўзбекистонда тала ишлаб чиқариш билан бирга тўқимачилик саноати ҳам самарали ривожланмоқда. Бу юқори қўшимча қийматга эга маҳсулотларни экспорт қилишга қаратилган жуда турли ва пахта уйланган ёндашув бўлиб, миллий ихтисодиёт самардорлигини янада ошириш имкониятларини кенгайтиради.

Ярмарка қатнашчилари товарини хориқлик истеъмолчиларга етказиб бериш бўйича тақомиллашган инфратузилмани ўз қўли билан қўришлари мумкин. Бугунги кунда мамлакатимиз худудларида фаолият кўрсатаётган 22 ихтисослаштирилган пахта терминаторларида бир пайтинг ўзюда 400 минг тоннадан зиёд пахта толасини сақлаш мумкин. Кенг тармоқли логистика тизими шаклланиб транспорт йўлақлари бўйича маҳсулотни дунёнинг энг чека жойларига ҳам қисқа муддатда етказиб имконини беради.

Ўзбекистонда тала ишлаб чиқариш билан бир қаторда тўқимачилик саноати ҳам жадал ривожланмоқда. Халқаро форумнинг ушбу иккинчи қисми мамлакатимиз тўқимачилик маҳсулотларини экспорт қилишда муҳим аҳамият касб этди. Президентини Ыслом Каримовнинг 2010 йил 15 декабрда қабул қилинган "2011-2015 йилларда Ўзбекистон Республикаси саноатини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари тўғрисида" қи қароридида ишлаб чиқаришни диверсификация қилиш, маҳаллий хом ашёни қўллаш ва сифатли қайта ишлаш негизидида экспортга мўлжалланган рақобатдор саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни қўлайлаштириш, уларни сотиш бозорлари кенгайтириш зарурлиги қайд этилган. VIII Халқаро Ўзбекистон пахта ва тўқимачилик ярмаркасида мамлакатимизда ишлаб чиқарилган тўқимачилик маҳсулотлари ҳам махсус ташкил қилинган "Ўзбекистон саноат" давлат акциядорлик компанияси мамлакатимиз тўқимачилик саноати салоҳиятини намоён қилиш эҳтиёжини қондиришда тақдимот давомидида соҳада берилган имтиёз ва преференциялар, яратилган қўлай инвестицион муҳит, юқори малакали кадрларнинг мавжудлиги, банк-молия, транспорт ва муҳандислик-коммуникация инфратузилмаси билан таништирилади.

Бу борада "Uztex" компаниялари гуруҳининг самарали фаолияти намуна ҳисобланади. Унинг таркибига тароқли ва қардли дастгоҳларда иштирокчилар ишлаб чиқаришга ихтисослашган "Uztex Tashkent", юқори сифатли тўқимачилик полотноси ишлаб чиқарадиган "Uztex Chirchik", тайёр тўқимачилик буюмлари ишлаб чиқарадиган "Eurotex Tashkent" қўшма корхоналари кирди. Бундай бирлашма уларга юқори қўшимча қийматга эга маҳсулот тайёрлаш имконини бермоқда. Уларнинг катта қисми хориқга етказиб берилмоқда.

Бугун Ўзбекистонда тайёрланган тўқимачилик маҳсулотлари Европа, Осиё, Шимолий ва Жанубий Американинг 40 дан ортиқ давлатига экспорт қилинаётган. "Ўзбекистон саноат" давлат акциядорлик компанияси ҳузурида замонавий либослар моделларини яратиш учун дизайн-марказ ташкил этилган бўлиб, ўтган йилги ярмаркада дизайнларимиз томонидан ўзимизнинг матолардан тайёрланган ранг-баранг ва ўзига хос либослар намуналарини кенг намоён қилинган.

Авалги барча пахта ва тўқимачилик ярмаркалари Ўзбекистон пахтаси, тўқимачилик маҳсулотлари жаҳон бозоридида юқори баҳолини ҳамда улар кўпгина давлатларда қайтариб олиниши мумкин бўлади. Энди эса эришилган муваффақиятларни янада мустаҳкамлаш ва изчиллик билан ривожлантириш зарур.

Виктор НИКОЛАЕВ, УзА мухбири.

МАТБУОТ АНЖУМАНИ

Ўзбекистон Миллий матбуот маркази Давлат тест маркази "Давлат тест синовларини ўтказиш борасида орттирилган тахрир ва эришилган натижалар, кўрсаткич ва хулосага" Тест синовларининг одил ва ҳаққоний ўтишини таъминлаш борасида олиб борилаётган чора-тадбирлар ҳақида" матбуот анжумани ўтказди.

НАТИЖА ВА ХУЛОСА

Республика Президентининг "2012-2013 ўқув йилида Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасаларига қабул бўлишида" қи қарори билан олий таълим муассасаларига қабул қилувчилар тасдиқланди.

Тест саволлари Халқ таълими вазирлиги, Урта махсус, касб-хунар таълими маркази 2011-2012 ўқув йилида фойдаланиш учун тавсия этган дарслик ва ўқув адабиётларида берилган мавзулар асосида ишлаб чиқилди.

Анжуманда, шунингдек, журналистлар саволларига жавоб берилди.

Илдузова МУХИДИНОВА, "Тошкент ҳақиқати" мухбири.

Инсон табиат фарзанди. Унинг ҳаётида ҳам баҳору ёз, кузу киши бор. Вақт отлик оқар сувнинг қадрини эса кексалар кўпроқ ҳис этишди. Шунданми, ортда қолган вақтларини сарҳисоб қилиш, баъзан улгурлолмаган ишлари учун ўзларини тафтиш этишдан қарчашмайди.

КЕКСАЛАР ЭЪЗОЗДА

Шундай кезларда уларга руҳий мадад, маънавий рағбат беришдек хайрли амалнинг этганидан тугтанлар меҳри, эътибори ўша кемтикларни тўлдирини, нигоҳларга қувонч бағишлагини аниқ.

"Нуроний" жамғармаси раиси Лола Алиқувованинг жонқуярилик сабаб, кексалар доимо эътибор ва эъзозда.

Халқимизнинг кексаларга ҳурмат, izzat кўрсатишдек эзгу фазилатлари юз очиб турган "Нуроний" жамғармаси "Мустаҳкам оила йили" Давлат дастури асосида тузилган режага биноан нафақат кексалар, балки болажонлар, эътиборга муҳтож ногиронларга ҳам моддий ва маънавий рағбат кўрсатишда. Улар учун оммавий саёхатлар, табаруруқ қадимжолар зериати, турли маънавий-маърифий, кўнгличар тадбирлар уюштирилмоқда. Тадбирларга келол-

майдиғанларни уйларига бориб йўқлаб туриш, ибратли оилаларга бош бўлиб келаятган отахон, онахонларнинг ҳаётий тахрирларини оммалаштириш ишлари яхши йўлга қўйилган. 90 ёшли Карим ота Аҳмедов, 85 ёшли Юсуфбек ота Тўймабоевнинг соғлом, мустаҳкам оилалари ҳақида маколлар эълон қилинди. Меҳнат фахрийси Бахтиёр ота Маҳамдалиевнинг фидокорона меҳнатлари ёшларга ибрат қўлиб кўрсатилди. Мустақиллик нэмталарига шукроналик, масъулият, бурдонорлик ҳис-туйғулари билан сурғорилган дава суҳбатлари, ҳар байрамда, айниқса, Наврўз, Хотира кунини,

фиқ эмас. Бундай ҳолат ҳар қандай халқни миллий маддликка, жаҳон тараққиётидан орқада қолишига олиб келиши мўқаррар. Бироқ, мураккаб гоьлар кураши, мафуралар қарама-қаршилиги, бетайин ва енгилтак ахборотлар хуружи авж олган бир пайтда ҳар бир киши умуммиллий тараққиётга хизмат қиладиган, миллий маданият ривожига кўмак берадиган ахборотларнигина қабул қилиши зарур бўлиб қолмоқда. Бу ҳар бир фуқаронинг катта маънавий ва маърифий савиясига, ахлоқий

озод ва хур яшамасин, у маънавий-ахлоқий меъёрлар, қонун белгилаб берган чегара доирасидагина озод ва дахлсиз бўлиши мумкин. Бу бугунги дунё маърифатини, маданиятини белгилайдиган бебаҳо қадриятдир.

Оммавий ахборот воситалари ихтимой ҳаёт ва тарихий жараён моҳиятини кескин ўзгартирмоқда. Бу борада, айниқса, бугун "Сарик матбуот" деб аталадиган хусусий нашрлар алоҳида мавқе эгалламоқда. Бироқ уларда майда, икир-чикир, гийбатнамо хабарлар билан

Тобора кенг тарқалаётган беаъанги қўшиқлар, ярим-яланғоч рақшлар, ўғринча мусиқалар енгилтак, ахлоқсиз ҳаётни тарғиб қилиш воситасига айланмоқда. Бу, айниқса, аҳолисининг 60 фоизидан кўпрогини ёшлар ва болалар ташкил этадиган Ўзбекистондаги болажон мамлақатда гоь хатарли, миллат истиқболига таҳдид солувчи ҳодиса эмасми?

Балки бугунги миллий эстрадаимизнинг "эксперимент"лари кимлар учун зарурдир. Умуман олганда, ҳар қандай тараққиёт тахрирлар асосида қурилади, улар тўғривали тақомиллашиб, қадриятга айланади. Бироқ бундай тахрирлар дастлаб айни шу йўналиш ишқибозлари тўпланган жойда, махсус аудиторияда синовдан ўтказилиши, оммавий минбарларни эгаллаб олиб, бир неча минг йиллик аъналаримизни, маданиятимизни, санъатимизни оёғости қилмаслиги керак. Ана шу гоьт оғриқли масала ҳусусида гапирар экан: "Маънавият, мафкура борасида четдан кўр-кўрона нусха кўчириб, бирон натижага эришиб бўлмайди, чунки бизнинг дунёқарашимиз, халқимизнинг тафаккури, турмуш тарзи ниҳоятда ўзига хослиги билан ажралиб туради", деган эди, Президент И. А. Каримов.

Аслини олганда террорчилик, камикадзелик ҳолатлари ҳақида кўп гапиримиз. Бунга эҳтиёж ҳам бор. Зотан, бугунги дунё айни шу тажовузкор ҳодисадан жабр кўрмоқда. Буюқ қадриятлар тоғлимоқда. Инсоният ҳаётида мисли қўрилмаган таҳдид солинмоқда. Бироқ жамийий ҳаракат, фезъл-аъвор ва интилишлар билан боғлиқ бўлган, қандайдир манфаатларни ўзюда муҳассас этган бундай ҳолатларга юксак маданият, маърифат, ахлоқодоб қайсибир даражада қарши туриши, чек қўйиши, унга қақшатиқ зарба бериши ҳам мумкин. Қайсибир ҳудуддаги қанчадир одам ҳаётига зомин бўладиган бундай гайримисоний ҳолатларга чек қўйиш ҳам мумкин.

Лекин бугун миллатни буюқ тарихидан, улкан маданият меросидан айриб, инсоният ҳаётига маърифат олиб кирган халқ ҳаётини издан чиқариш, миллий аъналарни ва маданиятини бузиш юбориш орқали таъназулга даъват этишдек маданият террорининг баҳоси қанча? Унинг ўлчови, меъёри, қўлами борми? Бундай саволлар XXI аср цивилизациясининг бугун моҳиятини белгилайдиган ҳодиса сифатида ўз жавобини тоғмоғи лозим.

Мустақилликнинг йилгирма бир йиллигини кенг нишонлаган бир пайтимизда жаҳон маданиятининг энг сара намуналарини ўзлаштириш билан бирга Дунё сахнасида ўз имкониятларимизни, миллий қиёфамизни эркинроқ намоён этишмоғимиз лозим. Бунинг учун асрлар мобаинида жамланган бой тарихий ва маданият меросга таяниб, унинг тахрирларини ўзлаштириб, замонавий тараққиётга эришишимиз керак.

Нарзулла ЖўРАЕВ, сиёсий фанлар доктори, профессор.

МАВСУМГА ТАЙЁРГАРЛИК

МУАММОЛАР ЖОЙИДА ҲАЛ ЭТИЛМОҚДА

Кузнинг салқин кунлари бошланиши билан кўпчиликда бир савол пайдо бўлади: "Бу йилги киш қандай келар экан?" Ҳар нима бўлганда ҳам мавсумга жиддий тайёргарлик кўриш лозим.

Бу борада вилоятимизнинг барча шаҳар ва туманларида бўлгани каби Ангрена ҳам режали ишлар амалга оширилмоқда. Шаҳарда 30598 та хонадон ва 978 та кўп қаватли уйлар бор. Уларга 109 та хусусий уй-жой мулкдорлари ширкати хизмат кўрсатмоқда. Хонадон, кўп қаватли уйларни жорий ва мукамал таъмирлаш, умуман хизмат сифатини янада ошириш мақсадида "Бектемир Маҳлиё", "Нуробод қурилиш инвест", "Анрен Жаминан", "Дукент мусаффо осмон" каби 4 та сервис бошқарув компаниялари ташкил этилиб, куз-қиш мавсумига тайёргарликда ҳамкорлик қиляпти.

Йил бошидан буён режадаги ишларнинг деярли барчаси амалга оширилди. Хусусан, 259 та кўп қаватли уйларнинг 194 тасида

том қисми, 141 та уйдан 135 тасида иссиқ сув тизими таъмирланди. Шунингдек, 128 та уйда совуқ сув муаммоси ҳал этилди. Уйларнинг ертўласидаги 150 та элеваторнинг узилсиз ишлаши йўлга қўйилди. Бундан ташқари, 320 та кириш йўлақлари тартибга келтирилди. Кўп қаватли уйларнинг 479 тасига темир эшиклар ўрнатилгани эса аҳолига янада манзур бўлди.

Дарвоқе, 27 та кўп қаватли уйларнинг фасадларини янгилаш ҳам назардан четда қолгани йўқ. 130 га яқин ахлатхона қурилиши ниҳоясига етказилди.

Бугунга қадар ҳомийлар кўмағи билан ҳам 335 миллион сўм сарфланиб, тайёргарлик ишларини тўлиқ тугаллаш назарда тутилган. Ирода МАКСУД қизи.



КЕКСАЛАР ЭЪЗОЗДА

Истиклол шодиёналари кунларида нуронийларга кўрсатиладиган эътибор ёшлар тарбиясига ижобий таъсир этиши шубҳасиз.

Ҳали олдинда қилинажак ишларимиз кўп, — дейди жамғарма раиси Лола Алиқулова — Нуронийларни, жамғармаимизни қўллаб-қувватлаш мақсадида туманимиз ҳокими қабул қилган қарор асосида тадбиркорлар, фермерлар, корхона ва ташкилотлар раҳбарлари ҳамкорликда кексаларни, фахрийларни қўллаб-қувватлаш ишларини янада жонлантиришни мақсад қилганми.

Саида РАХМОНОВА, Даврон АҲМАД олган сурат.



ХАЙРИЯ КОНЦЕРТИ

# ЧИРЧИҚДА ЖАҲОНШУМУЛ БАЛЕТ

Чирчиқда Ўзбекистон билан Исроил давлатлари ўртасида дипломатия алоқалари ўрнатилганининг 20 йиллигига бағишлаб, икки мамлакат ўртасида маданий ҳамкорлик доирасида Валерий Панов театр-балетининг хайрия концерти ташкил этилди.

Исроилнинг Ўзбекистон билан Исроил давлатлари ўртасида дипломатия алоқалари ўрнатилганининг 20 йиллигига бағишлаб, икки мамлакат ўртасида маданий ҳамкорлик доирасида Валерий Панов театр-балетининг хайрия концерти ташкил этилди.

шоу-балетнинг гувоҳи бўлишди. Махсус кийимларда артистлар саҳнада икки эртақдан кизикари парчалар намойиш этишди. Исроилдаги ушбу театр-балетга 1998 йилда халқаро даражада юлдуз, Санкт-Петербургдаги Мариин театри раққоси ва хореограф-сахналаштирувчи Валерий Панов асос солган. Театр репер-

туридан мумтоз ва замонавий саҳна асарлари ўрин олган. Ушбу ижодий жамоа йил давомида бутун минтақалар бўйлаб 200 дан зиёд томошалар намойиш этиди. В. Пановнинг режиссерлик маҳорати туфайли театр энг яхши балет мактаблари билан рақобатлаша олади. Муסיқа ва санъат мактаби ҳамда меҳрибонлик уйлари болалари балет ва



## МАСХАРА ҚИЛИШГАНИ УЧУН ТОВОН

Австриялик пенсонер Р. Герберт RTL немис телеканалини маънавий зарар етказгани учун 21 минг евро тўлов талаб қилиб суға даъво тақдим этди, деб ёзди Express.

Герберт тасодифан немисларнинг "Юлдузлар фабрикаси" телешоуси кадрга тушиб қолди ва ҳайъат аъзолари уни кўпчилик ўртасида мазах қилишди. Сўнг уларнинг шарҳлари телевидениеда пайдо бўлди. Шундан сўнг қарияни дўстлари ва танишлари ҳам мазах қилишга ўтдилар. Оқибатда бечора пенсонер руҳий муаммоларга дуч кела бошлади.

Гарчи шоу ташкилотчилари ҳазил-хузул билан Гербертни ҳайъат кадрга қўзғатди, лекин бу мазахнинг оқибатлари қорасидан бўлиб қолди. Р. Герберт RTLдан аллақачон 10 минг евро олиб улгурди. Аммо, бу камроқ кўринди шекилли, яна суға талаб хати ёзди. У яна мақсадга эришиши мумкин. Зеро, суғ руҳсизлиги чинданам бўлиб ўтган "масхаробозликлар" оқибатида пенсонернинг руҳиятида кескин ўзгаришлар юз берганини тасдиқлади.

БИЛАСИЗМИ?

### Совуқ чой соғлиққа зарар

Барчамиз ёзининг жазирани кунларида муздек чойни хуш кўриб ичамиз. Бироқ Чикагодаги Лойола университети тиббиёт маркази ходими Жон Миллер бу инсон саломатлиги учун хавфли эканини аниқлади. Тадқиқотининг таъкидлашича, совуқ чой таркибидagi моддалар одам буйрағида тош пайдо бўлишига олиб келади.

Маълумотларга қараганда, АҚШ аҳолисининг ўн фоизи буйрақда тош йиғилишидан азият чекади. Жон Миллер бу касалликка мойиллиги бор кишилар учун муздек чой, айниқса, хавфли эканини айтмоқда.

Маълумот ўрнида шунини айтиш жоизки, буйрақда тош йиғилиш жараёни хотин-қизларга нисбатан эркакларга тўрт баробар фалокат келди. Мутахассислар жазиранида сув ёки уй шароитида тайёрланган шарбат ичишни тавсия этаётир.

### Ҳомила хотирани кучайтиради

Америкалик олимлар фарзанд кўриш натижасида аёлларнинг хотирани яхшилашда, деган хулосага келдилар. Майамидаги Карлос Альбериу университети олимлари узок уринишлар самарасида баъзиларнинг туғуруқдан сўнг аёллар хотираси суясида, деган фикрини рад этиди.

Маълумотларга қараганда, бир-икки ёшли фарзанд бор ўттиз беш аёл ва яна худди шунча туғмаган аёл ўртасида тадқиқот олиб борилган, натижада факт ва маълумотларни эслаб қолиш жиҳатидан туққан аёллар устун келган. Тадқиқотчилар гуруҳи раҳбари Мелисса Сантьягонинг сўзларига қўра, хомиладорлик вақтида бўлажак она организмида ижобий физиологик ўзгаришлар юз беради.

ҲАЁТ САБОҚЛАРИ

У билан дугонаминг тўйида танишдик. Гузал "япон" боғи. Ён-атроф оппоқ либос кийган келинлару, пардоз-андоз, атир-упани ўрнига кўйган бир-биридан чиройли қизлар билан тўлган.

Гуллола келишган қадди-қомати билан қизлар орасида ажралиб турарди. Судтай оқ баданига узун қора кўйлаги жуда ярашган. У шунчалар латофатли қора кўйлаги жуда ярашган. У шунчалар латофатли эдики, нафақат эркак, балки кўпчилик аёлларнинг ҳам кўзлари унда.

Аста бориб, уларнинг даврасига қўшилдим. Дугонаминг жияни Гуллода бизни таништирди. Улар бирга ўқишган экан. Қизни кузатарканман, табассумида аланечук носомимийликни кўрдим. Унга кизиқишим ортди.

— Кўл телефонингиздан фойдалансам майлими, — сўради мендан.

— Албатта, олинг, — дедим ажабланиб.

Эндигина танишган одамидан ҳеч тортинмай, телефон сўраши габриоддий туюлди менга.

— Алло, бу мен, шаҳардаман, — деди у. — Дугонаминикида қоламан, тўй тугашига келарсиз, яна кўнгирак қиламан.

... Тўй авжи паллада. Санъаткорларнинг бири келиб, бири келиб турибди. Даврада шўх рақслар давом этаётпти. Кўчи оҳангларига мос силкиниб, хиром айлаётган Гуллоланинг кўлига бир йигит кичкина қоғоз бериб кетди. Бу ҳолат яна икки марта қайтарилган ва мени ҳайратлантирди.

— Лола, ошқирланг намунча кўлайиб кетишди, — деди дугонаси хандон уриб.

— Биласанку, — деб қисқагина жавоб қилди у.

Тун ярамида тўй ниҳоясига етди. Аммо-ҳолаю янгалар келини қузатиб кетишди. Ҳамма уй-уйига тарқадди. Ён кўшни эмасимиз, дарвор кийимларимни алмаштирдим-да, дугонаминикига чиқдим. Супур-сидирга, қозон-товоққа қарашмасам бўлмасди.

Бироз фурсат ўтар-

ўтмас, ашиқ кўнгираги чалинди. Гуллоланинг укаси экан...

Гуллола тўйдан уйга қайтмапти. Гуллодадан сўрашганди: "Уйга борақолай деб кетган эди", деди. Остонада турган йигитнинг ранги оқарди, кўзлари қизариб, кўли муштланди. Ҳазаб отига минганча, орқасига қайтди.

Тўй ташвишлари-ю, чар-

боришга, сўраб-суриштиришга аҳд қилдим. Менга бундан не наф, ўзим ҳам билмайман. Бироқ, ичимдаги ҳайрат, қайтган ихлос менга сира тинчлик бермасди.



тўнада турмайлик, — деб ховлига бошладилар.

— Эҳ, болама, бу оила шу аҳволга тушишини ким ўйлабди дейсиз, — давом этди ая. — Раҳматли Салима ва Рафиқ билан кадрдон эдик. Болаларимиз бирга ўйнаб, катта бўлишди. Ёлғиз ўғиллари Хамроқулни ўқитишди, уйлантиришди, уйли-жойли қилишди. Гуллола Хамроқулни кизи. Угли Бахтиёр ҳам бор. Ойдек яшаб юришганди. Беш йил олдин Хамроқул бир ёшгина жувонага ўралашиб қолди-ю, хотин, бола-чақаси, уй-жойини ташлаб кетди. Хотини Ҳалима ҳеч қаерда ишламасди. Уғил-қизини боқаман деб қилмаган кори қолмади. Бировларнинг кирини ювиб, ош-овқатини пиширди. Бир ёкда бозорда улбул сотиб, тиркичилик қилди. Маҳалла-қўй, кўни-қўшиллар қараб турмадик, кўлдан келганча ёрдам бердик. Бироқ, кизи балоғатга етганда Хамроқулнинг шу иши ёмон бўлди-да. Қиз отадан ҳайикмай, кўрқмай, катта бўлди. Аини балоғат ёшида уни тўғри йўлга соладиган ота меҳри етишмади. Турмуш ташвиши, қийинчиликлари елкасига тушган Ҳалима унинг тарбиясидан узоқлашди. Қиз зиёфатма-зиёфат, ресторани-ресторан юра бошлади.

Икки йил олдин онасининг қаршиликка қарамай, чет элликка турмушга чиқди. Олти ой яшаб-яшаймай, уйига қайтди. Онасининг даққилари-ю, укасининг калтаклари унга қор қўйлаб қўйган. Ярим тунда, баъзида эрталаб отаси тенгилар машинада уйига ташлаб кетишди.

Кейинги пайларда тўй-томшога, байрамларда Ҳалима кўринмай қолди. Гуллоланинг эндигина ўн олтига тўлган укаси аламини ичкиликдан оляпти. Эрта-кеч қўлида шиша.

Афсус... Гуллола мунчоқдеккина қиз эди.

Ирода НОРБОЕВА, "Тошкент ҳақиқати" муҳбири.

йигитлардан сўраб кўрай, деб уларга юзландим.

— Гуллола? Унақа қизни танимайман, — деди новчаси.

— Э-э, тўхтагн, мабодо "Мунчоқ"ни айтмаясизми, укаси ҳам бор-а? — деди шериги.

— Ҳа, укаси бор, — жавоб қилдим.

— Сиз уни нима қиласиз? — ажабланиб менга қарашди улар.

— Қарақда, уйини айтишлар, — дедим.

— Кўча сўнгида ўннга буриласиз, тўртинчи эшик. Уни ҳеч ким Гуллола демасди, "Мунчоқ", дейишди, — бир-бирларига қараб истеҳзоли қилишди йигитлар.

Уйи қаршисида тўхтадим. Бирдан кўшни эшик очилиб, ҳамаси саксон ёшлардаги онахон қиқиб келди.

— Кимнидир қидиряпсизми, ё адашиб қолдингизми? — деди ая.

Мақсадимни тушунтирдим.

— Қани, уйга киришгн, ос-

чоқлари ортда қолди. Лекин Гуллоланинг тақдирини менга тинчлик бермасди.

Дугонаминикига меҳмонга бордик. Келинлик унга жуда ярашибди. Узоқ суҳбатлашдик, тўй хангомаларини муҳокама қилдик. Гап Гуллолага такалди.

— Тўйнинг кунини укаси қидириб келди, уйига бордимикан, — деб сўрадим.

"Бирор қилғилкини бошлаган бўлса, балога қоламан" деб ҳоламан Гуллодани роса койидилар. Эшитишимизча, Кореядан келган, фельи жуда айнибди. Укаси кечалари билан кафема-кефа, меҳмонхона-меҳмонхона қидириб юрармиш. Уч-тўрт ой олдин онаси жажл устида сочини қирқиб ташлаган экан. Шунда ҳам тутқич бермасмиш.

Кўлоқларимга ишонмадим, наҳот йигирмага тўлиб улгурган қиз шу қадар жаҳолат ботқоғига ботган бўлса.

Балки атрофидagi ҳасад-гўйлар, ивгогарлар шундай гапларни тарқаттишар. Унинг висолига етолмаган номардларнинг ишидир бу? У яшайдиган маҳаллага

ЎЙЛАБ ТОПИЛМАГАН ҲИКОЯЛАР

## АЛЛО, «МЕҲР КЎЗДА»МИ?

Газетада ишлаб юрган кезларим эди. Котиба қиз югуриб келиб: "Ўшакни олинг, сизни сўрашяпти", деди.

— Кимнинг айтилми? — Сурхондорданман дедим.

Хайрон бўлдим. Сурхондорда танишларим йўқ эди. Ким экан? Хонага кириб, тўшакни кўтардим.

— Лаббай, эшитаман.

— Асрор ака, асалому алайкум. Соғинингиз яхшими? Уйдагилар тинчми? Хизматлар билан чарчамай юрибсизми? Сизни ахирини тошдик. Кўрсатувларингизни битта ҳам қўймай, томоша қиламиз.

— Кечирасиз, менимча, бошқа жойга тушиб қолдингиз...

— Нега ундай дейсиз? Асрор ака сизми?

— Ҳа, Асрорман, лекин...

— Бўлди-да, биз "Меҳр кўзда" кўрсатувининг муҳлисизми.

— Шундай демасизми.

Мен сиз айтган Асрор эмасман. Сиз таниган ака телевидениеда ишлайди. Бу рақамни ким берган бўлса, янгилишган. Бу газета. У кишининг телефон рақами бўлганда, сизга жон деб ёрдам берад экан, уэр.

— Ака, ундай қилманг. Кўрсатувингиз тасвирга олинадиган кунни айтсангиз бўлган. Онамин олиб, етиб бораман. Онаминг тутинган акалари бўлган экан. Уни қидиряпсизми, ёрдам бермасангиз бўлмайди.

— Мен газетада ишлайман. У кўрсатув билан менинг ҳеч қандай алоқам йўқ. Қани энди иложи бўлса-ю, сизга ёрдам берсам...

— Акажон, ундай қилманг. Сизни аранг тошдик. Тасвирга олиш кунини айтсангиз бас. Етиб борамиз.

Хуллас, у кишини тушинтиришнинг иложи бўлмади. Шунда нима қиларимни билмай, дедим:

— Бўлмаса, телевидение қаралдининг биласизми?

— Тоншкентга борсак, тошиб оламиз. Сиз бу ёнидан хотиржам бўлинг.

— Бўлмаса, бутун дунда кунини соат ўнларга телевидениенинг олдинга келасизлар-да, ичкарига кириб: "Бизга "Меҳр кўзда" кўрсатувининг бошловчиси Асрор Аборухжаев керак", десангиз, ёрдам беришади.

— Рақам ака, албатта борамиз. Соғ бўлинг.

Гапларимга қулоқ тутиб турган укалардан бири қулимсиралди:

— Асрор ака, жуда қизиқсиз-да. Қанча йўл босиб, яна қанча харажат қилиб келадиям демасиз. Ростданам чоршанба кунини тасвирга олиш куними?

— Тушунтирсам, ишонмасанга қилай? Чоршанба олмасан, пайшанба олар... Тоншкентни бир зёрат қилиб кетишади...

Асрор СУЛАЙМОНОВ.

РАССОМ ХАНДАСИ



**ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ**  
**ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА**

Муассис:  
**Тошкент вилояти ҳокимлиги**

**Бош муҳаррир**  
**Убайдулла АБДУШОҲИДОВ**

Манзилимиз:  
100000,  
Тошкент шаҳри,  
Матбуотчилар кўчаси, 32.

c-mail:  
th.tp@mail.ru

**Телефонлар:**  
233-64-95, 236-55-59,  
233-58-85 (факс).

Қабулхона:  
233-12-83, 233-48-08.

Бўлим муҳаррирлари ва муҳбирлар:  
236-55-54.

Шартнома ва эълонлар:  
233-54-10.

Ҳисоб-китоб бўлими:

Тошкент вилояти Матбуот ва ахборот бошқармасида 2011 йил 12 январда 03-001 рақами билан рўйхатга олинган.

Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Интернет хабарлари асосида тайёрланди.

Навбатчи муҳаррир  
**Жўра САЪДУЛЛАЕВ**

Навбатчи  
**Ирода НОРБОЕВА**

Саҳифаловчи  
**Тоҳир МАҲМУДУЖАЕВ**